

1920626436 - СОН
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджеттеги ташкитлари, якка тартибдаги табибиркор ва конун хүжесістларига күра, юридик шахсни ташкил этимасдан фаолият юритуучи фуқаролик-хұкуқий мұнисабатларнинг бошқа шитирокчилари) учун

Tashkent ш.

19.01.2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдагы №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “ЎзМобайл” филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан бүён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва РБТХТКР Маркази номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи РБТХТКР Маркази, бундан бүён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини күрсатиш түгрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) күйидагилар ҳақида туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини күрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини күрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан күрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида күрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентта идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат күрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишида умумэтироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар күрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик хисоб 100 (юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараённада Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада күрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1.Иль бор уланишида Абонент тўлови 100 (юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. Дастрлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4.Бюджет ташкитоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ күрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни хисобга олган ҳолда) 23 000 (ИККИ ЮЗ ЧУЧУ МИНИНГ) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма () сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда () миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент кейинги хисоб-китоб даври (хисобот ойи) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фоиз шарти билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида күрсатилган Операторнинг шахсий хисоб ракамларига пул маблагларини күрсатилган хизматлар хисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар күрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар күрсатилишини тўхтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдинни олишини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера қоидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентта тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор Хизматлар учун тўланниши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилемайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун асосида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул килинган ва Хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегиши тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчиликига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманларо иктисадий судида кўриб чикилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклири ва мажбуриятлари билан боғлиқ равиша ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашини тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузилиш мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз кураши чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат таалаб этилса, Абонент (мурожаат мувалифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равиша хабардор килинади.

7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килиади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 ~~20~~ йил 31 декабрга қадар амал килиади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонента татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттире ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 ~~20~~ йил 31 декабрга қадар амал килиади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этиади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бirlарини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равиша расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:


“Узбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор
тумани, Бунёдкор шоҳ кучаси, 8 уй
СТИР: 203366731
МФО: 00401
ИФУТ: 61100
Х/р: 20210000104074838076
АТБ “Алоқабанк”
Тел.: 998367757, 998367767
e-mail: corporate@uzmobile.uz


Imzo:
M.Ý.




Абонент:

Мижоз: РБТХТКР Маркази
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Салар, БОБУР кўчаси, уй. 4
Банковские реквизиты: 23402000300100001010
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ
ИНН: 201122919
ИНН: 201879145


ЛС 4003108627248307320/054002

Тел.:


Imzo:
M.Ý.



Клиент РБТХТКР Маркази
№ 1920626436 от 19.01.2022

Филиал "УзМобайл" АК "Узбектелеком"
Реквизиты:
р/с 20210000104074838076
МФО 00401
АКБ «АЛОКАБАНК» г. Ташкент
ИНН 203366731

Реквизиты:
РБТХТКР Маркази

201879145
23402000300100001010

Счет № 0119-14956-4444 от 19.01.2022
Оплата производится в национальной валюте сум

Предоплата	НДС ставка	НДС Сумма	Стоимость без учета НДС	Стоимость с учетом НДС
За услуги мобильной связи № 1920626436 19.01.2022	15%	30,000.00	200,000.00	230,000.00
Итого:	15%	30,000.00	200,000.00	230,000.00

ИТОГО К ОПЛАТЕ: Двести тридцать тысяч сумов 00 тийин

Руководитель

/Фахрутдинов С.С./

Получил



Гл.бухгалтер

/Саттаров Х.И./

Дата

Оператор

/Кадырова С.А./

100043, город Ташкент, проспект Бунёдкор, 8




Заключение

Мною, юрисконсультом Республиканского детского реабилитационного центра заболеваний опорно-двигательных систем Минздрава РУз Азимов Н.А изучена на предмет правовой экспертизы договор № 1920626436 от 19.01 2022 г. Заключенный между Республиканского детского реабилитационного центра заболеваний опорно -двигательных систем Минздрава Республики Узбекистон и Узбектелеком А.К.

По проведенной экспертизе выдано настоящее заключение о нижеследующем:

- условия договора (контракта) соответствуют требованиям ст.ст. 350,356,357,364 Гражданского кодекса Республики Узбекистон , закону Республики Узбекистон от 29.08.1998 г. "О договорной правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов"
- порядок расчетов между сторонами по договору (контракту) не противоречит требованиям действующего законодательства Республики Узбекистон
- имущественная ответственность сторон за невыполнение , либо ненадлежащее выполнение обязательства по договору (контракту) и порядок разрешения споров определены правильно.

Юрисконсульт



Н.Азимов